

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Шамсиева Ирода Махмудовна, ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА QR-КОДЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ Қўллашнинг имкониятлари, муаммо ва истиқболлари.....	4
2.Турсунов Нурулло Нарзуллаевич, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	17
3Сангирова Дилорам Хўжамқуловна, ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР.....	24
4.Shirnova Fotima Nosirovna, ISLOM KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q" ASARIDA TARIX FANINI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	38
5.Вахобов Ботирали Михайлович, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ.....	43
6.Ҳабибуллаев Ориф, ТУРК ХОҚОНЛИГИДА Қўлланилган ҳарбий унвонларга доир.....	50
7.Самадов Хуршид Баходирович, Салимов Шерзод Юнусович, XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР.....	57
8.Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР.....	69
9.Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна, АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР.....	75
10.Раззоқова Гўзал Қодировна, ХОРАЗМ ХАЛҲАЧИЛИГИ.....	81
11.Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Малоҳат Одилова, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР.....	85
12.Жайнаров Обиджон Ҳамидўели, ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 йиллар).....	90
13.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ХАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	98
14.Холияров Тўлқинжон Чоршанбиевич, ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР Тўғрисида.....	103

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жайнаров Обиджон Ҳамидўгли,
ЎЗМУ таянч докторанти

ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 ЙИЛЛАР)

For citation: Obidjan. Kh. Jaynarov. People's commissariat of justice Turkestan republic: structure, responsibilities and activities (1917-1922). 2019, vol. 1, issue 18, pp. 90-97



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-18-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлигининг ташкил қилиниши, унинг таркибий тузилиши, вазифалари ва фаолият жараёни кенг турдаги архив манбаларидаги маълумотлар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, комиссарлик фаолиятидаги муаммо ва зиддиятлар, совет ҳокимиятининг суд-ҳуқуқ тизимидаги сиёсати таҳлил қилинган.

Туркистон адлия тизимида фаолият олиб борган кадрларнинг миллий ва ижтимоий таркиби, уларнинг маълумот даражаси каби масалаларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Туркистон АССР, Фарғона, Халқ Комиссарлар Совети, Адлия халқ комиссарлиги, Съезд, Низом, Маромнома, бошқарув тизими, суд органлари, совет ҳокимияти, бўлимлар, кадрлар.

Жайнаров Обиджон Ҳамид угли,
базовый докторант НУУ

НАРОДНАЯ КОМИССАРИАТ ЮСТИЦИИ ТУРКЕСТАНСКАЯ РЕСПУБЛИКА: СТРУКТУРА, ОБЯЗАННОСТИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ (1917-1922)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется создание, структура, функции и деятельность

Народного комиссариата юстиции Туркестанской АССР на основе обширных архивных данных. Также проанализировали проблемы и противоречия в деятельности комиссариата и политике советской власти в судебной системе.

Затронуты национальный и социальный состав системы правосудия Туркестана и их образование.

Ключевые слова: Туркестанская АССР, Фергана, Совет Народных комиссаров, Народный комиссариат юстиции, Съезд, Устав, Маромнома, система управления, судебные органы, советская власть, отделений, кадры.

Obidjan. Kh. Jaynarov,
PhD Student NUU

PEOPLE'S COMMISSARIAT OF JUSTICE TURKESTAN REPUBLIC: STRUCTURE, RESPONSIBILITIES AND ACTIVITIES (1917-1922)

ANNOTATION

This article describes the establishment, structure, functions and activities of People's Commissariat of Justice of the Turkestan ASSR based on extensive archive data. They also analyzed the problems and contradictions in the activities of the commission and the policy of the Soviet power in the judicial system.

They also touched upon the national and social composition of the Turkestan justice system and their education.

Key words: Turkestan ASSR, Ferghana, Council of People's Commissars, People's Commissariat of Justice, Congress, Regulations, Charter, governing system, judicial institutions, Soviet authorities, departments, cadres.

Туркистонда большевиклар томонидан совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, уларнинг манфаатига тўла хизмат қиладиган давлатбошқарув органлари шакллантирилди. Ана шундай бошқарув органларидан бири ўлка Советларининг 1918 йил бўлиб ўтган фавқулодда V съездида қабул қилинган Низом асосида қайта ташкил этилган Халқ Комиссарлари Совети эди. Туркистон Республикаси (Туркреспублика) ХКС 16та комиссарликдан таркиб топиб, ҳукумат таркибига тенглик асосида 8 нафар большевик ва 8 нафарсўл эсер киритилди[1, Б. 84].

Туркистон Республикаси Адлия халқ комиссарлиги Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 23 ноябрдаги қарори асосида ташкил этилди[2]. Биринчи Адлия халқ комиссари этиб, татар миллатига мансуб Х.Ибрагимов сайланди[3, Б. 65-76].

1918 йилда Туркистон МИҚ томонидан 3 бўлим, 21 банддан иборат "Туркистон Республикаси Адлия комиссарлиги тўғрисида вақтинчалик Низом" қабул қилинди[4]. Ушбу Низомга кўра Туркистон Республикаси Адлия комиссари Республика мусулмон ишчи-деҳқон депутатлари Съездида сайланган ва вазифасидан озод қилинган. Адлия комиссари қуйидаги ваколатларга эга бўлган:

- Туркистон МИҚ ва жойлардаги ижроия органлари билан биргаликда тафтиш ва суриштирув ишларини олиб борган;

- комиссарликдаги барча ходимларни (бўлим бошлиқларидан ташқари) ишга

қабул қилиш ва вазифасидан озод қилиш;

- юқори бошқарув органлари томонидан қабул қилинган декретлар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиққан ва улар томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатган;

- ўзига бўйсунувчи органлар ва ходимлар фаолиятини назорат қилиб, улар белгиланган вазифаларни бажармаган тақдирда ёки белгиланган ҳуқуқий асосларга мувофиқ иш кўрмаганда, жиноят содир этганда уларни тегишли суд идораларига топширган;

- адлия органлари томонидан жойларда қабул қилинган декрет ва низомлар ижросини таъминлашда юзага келган қийинчилик ва тушунмовчиликларни куч билан ҳал қилишга рухсат берган;

- совет ҳокимиятидаги барча ташкилотларнинг фаолиятида юзага келадиган ноқонуний жараёнлар ҳақида тегишли органларга маълумот берган. Шунингдек, айбдорларга тегишли чоралар кўрган;

- совет милицияси фаолияти устидан умумий назорат ўрнатган;

- фавқулодда ҳолатлар рўй берганда олий бошқарув органлари иштирокисиз соҳа доирасида муҳим қарорлар қабул қилган[5].

1918-1919 йилларда Адлия комиссарлиги қуйидаги бўлимлардан иборат бўлган:

1. Рус судлари устидан назорат бўлими;
2. Маҳаллий судлар фаолиятини назорат қилувчи бўлим;
3. Қамоқхоналар назорати бўлими;
4. Маслаҳат кенгаши;
5. Канцелярия[6].

Қиёслаш учун бу даврда марказда ташкил этилган Адлия халқ комиссарлиги 6 бўлимдан иборат бўлган: судлов ва шахсий таркиб, қонунчилик ташаббуси ва кодификация, қонунларни нашр қилиш, котибият, маъмурий-хўжалик, қамоқхона[7, С. 126].

Ҳар бир бўлим бўлим бошлиғи, унинг ёрдамчиси, котиб, канцелярия ходимлари ва хизматчилардан таркиб топган. Бўлим бошлиқлари Адлия комиссарининг тавсияси асосида бевосита Туркистон ХКС томонидан тайинланган ва вазифасидан озод қилинган. Комиссарлик таркибидаги маслаҳат кенгашига эса Туркистон Республикаси адвокатураси ҳамда рус ва маҳаллий судлардан 5 киши сайлаб олинган.

Таъкидлаш лозимки, Туркистон Адлия халқ комиссарлиги ҳам бошқа совет бошқарув органлари сингари ўз фаолиятини мустаҳкамлаш давомида қатор камчилик ва муаммоларга дуч келди. Жумладан, 1917-1918 йилларда Туркистон адлия органларидаги асосий муаммолардан бири молиявий етишмовчилик эди. Бу даврда адлия ходимларининг маошларини вақтида берилмаслиги одатий ҳолга айланиб қолган. Ҳатто адлия муассасаларидаги оддий канцелярия ишларига ҳам анча вақт маблағ ажратилмаган. Бу ҳолатни Перовск уезди адлия бошлиғи Николай Успенскийнинг республика Адлия комиссарлигига йўллаган хатида ҳам кўриш мумкин[8].

Ўлкадаги маҳаллий зиёлилар томонидан ташкил қилинган қатор сиёсий ташкилотлар дастурларида ҳам давлат бошқаруви тизимида адлия органлари фаолияти масаласига тўхталиб ўтилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 1917 йил 12-14 июлда Фарғона шаҳрида "Турк адами Маркази" сиёсий уюшмасининг биринчи қурултойида қабул қилинган Маромномада адлия идоралари фаолияти

муҳим масалалардан бири сифатида келтириб ўтилган. Унинг саккизинчи боби "Адлия масаласи" деб номланиб, олтига моддани ўз ичига олади. Маромноманинг 1-моддасида суд маҳкамалари ва адлия органлари ҳар қандай аралашувдан озод бўлиши ва шариат ҳамда қонунларга бўйсунishi лозимлиги кўрсатиб ўтилган[9, Б. 7]. Ҳужжатнинг 3-моддасида эса адлия органлари фаолиятига турли хил сабаблар билан аралашмаслик, уларнинг мустақил фаолият юритиш кераклиги келтириб ўтилган.

1919 йилда Туркистон АССР МИҚ томонидан қабул қилинган "Адлия бошқармалари тўғрисида Низом"га мувофиқ жойлардаги адлия бўлимларига ташкилий, маъмурий-юридик, ҳамда юрисконсултьлик вазифалари ҳам юклатилди. Лекин вилоят адлия бўлимлари ўзларига юклатилган бу вазифаларни умуман уддалай олмади. Бу ҳақда Адлия комиссари ўзининг 1919 йилдаги ҳисоботида адлия тизимининг марказий ва жойлардаги бўлимлари фаолиятдан давлат органлари ва фуқароларнинг норози эканлиги, керак бўлса адлия идоралари давлат бошқаруви тизимида умуман роль бажармаётганлигини таъкидлаб ўтади[10]. Натижада Туркистон АССР адлия органлари тизимини ислоҳ қилиш зарурати юзага келди. Хусусан, Адлия комиссари Х.Ибрагимовнинг қарори асосида Тошкент шаҳар адлия бўлими фаолияти тугатилиб, унинг ваколат ва вазифалари шаҳар ижроия қўмитаси ҳузуридаги юрисконсулът зиммасига юкланди. Шунингдек, тизимнинг марказий аппарати структурасига ҳам ўзгариш киритиш тўғрисида таклифлар берилди.

Туркистон МИҚнинг 1920 йил 20 июлда қабул қилган "Туркистон Республикаси Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низом"и асосида комиссарлик таркибига яна ўзгартиришлар киритилиб, қуйидаги бўлимлар фаолият кўрсата бошлади:

1. Суд қурилиши ва суд назорати бўлими;
2. Қонунларни чоп қилиш бўлими;
3. Режалаштириш ва бухгалтерия бўлими;
4. Жазо бўлими[11].

Низом асосида ҳар бир бўлимда юрисконсулът-инструктор(йўриқчи) лавозими жорий этилди.

Адлия халқ комиссарлигидаги ҳар бир бўлимга алоҳида вазифалар юклатилган бўлиб, улардан I, II ва IV бўлимлар асосий ролни бажарганлар. Суд қурилиши ва суд назорати бўлими суд тизими ҳамда суд жараёнларини назорат қилиш бўйича асосий қоидаларни ишлаб чиққан ва 1918 йил 18 июлдан бошлаб суд соҳасига доир қонун лойиҳаларини тайёрлай бошлаган. Кейинчалик суд-ҳуқуқ соҳасидаги барча қонун лойиҳалари ушбу бўлим томонидан ишлаб чиқилди. Шунингдек, ўлкадаги барча суд органларига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилган. Мавжуд суд муассасаларига ташкилий-амалий жиҳатдан ёрдам бериш учун бўлимда инструктор (йўриқчи) лавозими ҳам жорий этилган эди. Ушбу лавозимдагилар доимий равишда вилоятлардаги суд тизимининг фаолиятини ўрганиб боришган.

Умуман олганда, ўрганилаётган даврда Адлия халқ комиссарлиги суд тизимида иккита асосий вазифани бажарган: 1) ўлкада умумий суд тизимини қуришга раҳбарлик қилиш, 2) инқилобий трибуналлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаб бориш[12].

Суд органларининг тўғри фаолият олиб боришини назорат қилиш мақсадида 1921 йил 13 июлда Туркистон АССР МИҚ томонидан Адлия халқ

комиссарлигининг суд соҳасидаги ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди:

а) қабул қилинган қонунлар юзасидан суд маҳкамаларида тушунтириш ишларини олиб бориш;

б) судларнинг қонуний асосга эга бўлмаган ҳукм ва қарорларини бекор қилиш;

в) судларга ишларни қайта кўриб чиқишга рухсат бериш [13, С. 67].

Туркистон МИҚ томонидан 1922 йил 14 августда қабул қилинган 101 сонли қарори асосида "Ягона халқ судлари тўғрисидаги Низом"нинг 13, 30 ва 48 бандларига ўзгартириш киритилди. Ушбу қарор Адлия халқ комиссарлигига Туркистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган судлар устидан тўла назорат қилиш имконини берди.

Комиссарлик таркибидаги II бўлимтаҳлил қилинаётган даврда турлича аталиб келинган. Хусусан, дастлаб ушбу бўлим "қонунчилик ташаббуси, кодификация ва қонунларни чоп қилиш" деб номланган бўлса, 1920 йилдан "қонунларни чоп қилиш" бўлимига ўзгартирилди. Бўлим вазифаси асосан, Туркистон халқ ҳўжалигидаги барча тармоқлар фаолиятини совет қонунчилиги билан таъминлаш, қонунларни кодификация қилиш ва қабул қилинган қонунларни чоп этишдан иборат бўлган. Шунингдек, ушбу бўлим зиммасига РСФСР ҳукумати ва Туркистон олий олий бошқарув органлари томонидан чиқарилган қонун ҳужжатларини маҳаллий тилларга таржима қилиш вазифаси ҳам юклатилди. Дастлаб ҳуқуқий ҳужжатларни таржима қилиш ишлари деярли олиб борилмаган бўлса, 1921 йилдан бошлаб чиқарилган қонун ҳужжатларини маҳаллий тилларга таржима қилиш ишлари биров жонланганлигини кўриш мумкин. Бу даврда Туркесублика Адлия комиссарлиги томонидан чиқарилган қатор қонуности ҳужжатларини хусусан, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўйича кодекс, мерос қолдиришни йўқ қилиш бўйича декрет ва йўриқнома, суд томонидан йўқолган ёки ўлган деб топилган шахсларнинг меросига эгалик қилиш бўйича декрет, ҳадялар тўғрисида декрет кабилар маҳаллий тилларга таржима қилинди. Бироқ, қонун ҳужжатларини ўзбек, қирғиз ва туркман тилларига таржима қиладиган махсус мутахассис-таржимонлар ҳалигача шакллантирилмаган. Таржима ишлари учун эса етарли шароитлар ажратилмаган. Жумладан, таржимонлар учун махсус хоналар берилмаган, таржима луғатлари билан таъминланмаган эди [14].

Архив манбаларидаги маълумотларга кўра "Жазо" бўлимига қуйидаги вазифалар юкланган: "Озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги вақтинчалик йўриқнома"да белгиланган жазо ва тартибларни тегишли органлар томонидан тўғри қўлланилишини назорат қилган; вилоят адлия бўлимлари орқали республикадаги барча қамоқхоналар ва ахлоқ-меҳнат тузатиш муассасалари устидан умумий назорат ўрнатиб, уларни бошқарган [15].

Туркистон МИҚ томонидан 1920 йил 20 июлда қабул қилинган "Адлиянинг вилоятлардаги бўлими ҳақида"ги 315-сонли Низом асосида жойларда адлия бўлимлари фаолияти йўлга қўйила бошланди. Вилоят адлия бўлими мудирини вилоят ижроия қўмитаси томонидан сайланиб, Адлия халқ комиссари томонидан тасдиқланган [16]. Дастлабки даврда вилоят адлия бўлимларининг асосий вазифаси тегишли ҳудудда суд органлари фаолиятини назорат қилиб боришдан иборат бўлган. Кейинчалик уларнинг фаолият доираси кенгайиб, тергов жараёнининг ҳаққоний тарзда олиб борилаётганлигини, фуқаролик ҳолати далолатномаларининг тўғри юритилаётганлигини назорат қилиш ҳамда айрим мураккаб бўлмаган нотариал ишларни олиб борган. Айнан шу Низом асосида

уездларда ҳам адлия бўлимлари ташкил қилинган[17]. Дастлаб Авлиёота, Черняев, Наманган, Полторацк, Казалин, Верний, Пишпак, Андижон, Самарқанд ҳудудларида уезд адлия бўлимларининг фаолияти йўлга қўйилди[18].

Бу даврда тизимдаги ходимларнинг маълумот даражаси ва ижтимоий аҳволининг қониқарли даражада бўлмаганлигини кўриш мумкин. Масалан, Тошкент уездидаги халқ судларисудьяларининг ўрта ёши 30 дан юқори бўлиб, уларнинг иккитаси олий иккитаси ўрта маълумотга эга бўлган[19]. Архив ҳужжатларининг таҳлили шундан далолат берадики, тизимдаги масъулиятли лавозимларда ҳаттоки, умуман маълумотга эга бўлмаган ходимлар ҳам фаолият олиб борган.

Адлия комиссарлигидаги кадрларнинг маълумот даражаси паст бўлиши билан бир қаторда ажратилган штатларда ходимларнинг етишмаслиги ҳам одатий ҳолга айланиб қолган. 1920 йилда Адлия халқ комиссарлигининг марказий бошқарувида 72 та штат мавжуд бўлиб, аслида уларда ҳақиқатдан ишлаётганлар сони 42 кишини ташкил қилган. 1921 йилда эса 170 та штат бирлиги бўлгани ҳолда 86 та ходим ишлаган. Комиссарликнинг вилоят бўлимларида эса 11 та ходим меҳнат қилган[20]. Бу ўз навбатида тизимнинг фаолият жараёнида қатор камчилик ва қийинчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра 1922 йилда Адлия халқ комиссарлигида 52 нафар ходим фаолият юритиб, улардан 16 нафари олий, 13 нафари ўрта, 18 нафари бошланғич маълумотга эга бўлган. Бундан ташқари комиссарлик таркибида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган 5 нафар ходим ҳам фаолият олиб борган[21].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, комиссарлик таркибига қабул қилинаётган барча ходимларнинг, шу жумладан қуйи даражадаги хизматчилар (курьер, қоровул, дарбон)нинг ҳам большевистик мафкурага содиқлигига алоҳида эътибор қаратилиб, бу омил номзодларни танлаб олишда асосий мезон бўлиб хизмат қилган.

Тизимни кадрлар билан таъминлаш бўйича кўплаб режа ва дастурлар қабул қилинган бўлса-да, бироқ, уларнинг ижроси Туркистон АССР ҳукумати даврида амалга оширилмади. Бу жараёни даврий матбуот саҳифаларидаги маълумотларда ҳам кўриш мумкин[22].

Адлия комиссарлигидаги яна бир қийинчилик туғдираётган масалалардан бири юқори бошқарув органлари томонидан адлия ходимларининг турли ишларга жалб қилиниши эди. 1919 йил 3 сентябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон АССР вилоят адлия раҳбарларининг биринчи қурултойида ҳам судья ва терговчиларни ҳарбий сафарбарликдан озод қилиш асосий масала сифатида кўтарилган эди[23, Б. 47]. Бироқ, қурултой қатнашчиларининг Ҳарбий комиссарликка йўллаган мурожаати ҳам ижобий ҳал қилинмади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Туркесепублика Адлия комиссарлиги ҳам совет ҳокимиятининг барча бошқарув органлари сингари ўз фаолиятини синфийлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда олиб борди. Тизимдаги бир ёқламалик хусусияти оқибатида комиссарликнинг фаолият жараёнида қатор камчилик ва пала-партишликлар юзага келди. Бу ҳолат комиссарликнинг марказий ва маҳаллий идораларида, шунингдек, ундаги кадрларнинг иш жараёнида яққол кўзга ташланганлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). К.1. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда / масъул муҳаррирлар Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. - Т.: Ўзбекистон, 2019. - Б. 84. (O'zbekiston tarixi (1917-1991 yillar). K.1. O'zbekiston 1917-1939 yillarda / mas'ul muharrirlar R. Abdullaev, M. Rahimov, Q. Rajabov. - T.: O'zbekiston, 2019. - B. 84.)
2. Сборник декретов и постановлений СНК ТАССР от 23.XI.1917 по 1.VII.1918 г. (Sbornik dekretov i postanovleniy SNK TASSR ot 23.XI.1917 po 1.VII.1918 g.)
3. Ерметов А. Туркистон АССРда совет давлат бошқарув тизимининг мустаҳкамланишида назорат ташкилотларининг ўрни. // Ўзбекистонда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тарихи (тўплам). - Т., 2014. - Б. 65-76. (Ermetov A. Turkiston ASSRda sovet davlat boshqaruv tizimining mustahkamlanishida nazorat tashkilotlarining o'rnini. // O'zbekistonda davlat boshqaruvi va mahalliy o'z-o'zini boshqaruv tarixi (to'plam). - T., 2014. - B. 65-76.)
4. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Р-25-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 139-140-варақ ва унинг орқаси. (O'zbekiston Milliy arxivi (O'zMA), R-25-fond, 1-ro'yxat, 90-ish, 139-140-varaq va uning orqasi.)
5. ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 139-варақ. (O'zMA, R-25-fond, 1-ro'yxat, 90-ish, 139-varaq.)
6. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 3-варақ. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'yxat, 3-ish, 3-varaq.)
7. Олейник И. Организационно-правовые основы становления и развития органов управления юстицией в РСФСР (1917-1936 гг.). Дисс. докт. юрид. наук. - Владимир., 2006. - С. 126. (Oleynik I. Organizatsionno-pravovye osnovi stanovleniya i razvitiya organov upravleniya yustitsiei v RSFSR (1917-1936 gg.). Diss. dokt. yurid. nauk. - Vladimir., 2006. - S. 126.)
8. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 24-иш, 11-варақ ва унинг орқаси. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'yxat, 24-ish, 11-varaq va uning orqasi.)
9. "Турк адами Марказият(Федералист) фирқаси"Маромномаси // Фан ватурмуш. - Т., 1990. - №7. - Б. 7. ("Turk adami Markaziyat (Federalist) firqasi" Maromnomasi / / Fan va turmush. - T., 1990. - №7. - B. 7.)
10. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 98-варақ ва унинг орқаси. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'yxat, 3-ish, 98-varaq va uning orqasi.)
11. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 76-иш, 48-варақ. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'yxat, 76-ish, 48-varaq.)
12. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 48-иш, 202-варақ ва унинг орқаси. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'yxat, 48-ish, 202-varaq va uning orqasi.)
13. Расулев А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане. - Т.: Госиздат, 1957. - С. 67. (Rasulev A. Sozdanie i razvitie sovetского suda v Uzbekistane. - T.: Gosizdat, 1957. - S. 67.)
14. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 158-иш, 40-варақ. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'yxat, 158-ish, 40-varaq.)
15. ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1037-иш, 4-варақнинг орқаси. (O'zMA, R-17-fond, 1-ro'yxat, 1037-ish, 4-varaqning orqasi.)
16. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 80-иш, 77-варақ. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'yxat, 80-ish, 77-varaq.)
17. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 67-иш, 34-варақ. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'yxat,

67-ish, 34-varaq.)

18. ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 487-иш, 25-варақ. (O'zMA, R-25-fond, 1-ro'uxat, 487-ish, 25-varaq.)

19. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 48-иш, 34-варақ. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'uxat, 48-ish, 34-varaq.)

20. ЎзМА, Р-35-фонд, 4-рўйхат, 294-иш, 81-82-варақлар. (O'zMA, R-35-fond, 4-ro'uxat, 294-ish, 81-82-varaqlar.)

21. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 343-иш, 15-варақ. (O'zMA, R-38-fond, 2-ro'uxat, 343-ish, 15-varaq.)

22. "Туркистон", 23 октябрь, 1924 г. ("Turkiston", 23 oktyabr, 1924 g.)

23. Комолов Д. Туркистон АССР суд тизими тарихи (1917-1924 йиллар). Тарих. фан. номз. дисс. - Т., 2008. - Б. 47. (Komolov D. Turkiston ASSR sud tizimi tarixi (1917-1924 yillar). Tarix. fan. nomz. diss. - T., 2008. - B. 47.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000